

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ФАОЛИЯТИ АСОСИДА САНОАТ ЗОНАЛАРИНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ

Бердиев Малик Холиқулович

катта ўқитувчи

Джумақулов Фозил Узокович

ўқитувчи

Жалилов Зиёдулло Фазлиддин Ўғли

магистр

Samarqand davlat Arxitektura-qurilish universiteti

(Uzbekistan)

djumoqulov1985@gmail.com

Аннотация: Мазкур мақолада, ишлаб чиқарииш фаолияти асосида саноат зоналарини моделлаштириши тадқиқ қилинганд. Шунингдек, бозор муносабатлари асосида саноат зоналарини лойиҳалаш, режавий ташкил этиши масалалари асослаган.

Дунё мамлакатлари шаҳарсозлиги жадал ривожланиб бормоқда, чунки ижтимоий характерга асосланган, экологик устуворликка қаратилган, иқтисодий самарадор йўналиш фаол ривожланмоқда. Унинг бош мақсади шаҳарсозликда инсонлар учун шарт-шароитлар ва имкониятларни яратишга қаратилган. Жаҳон шаҳарсозлигига шунга асосланган ғоялар асосида саноат зоналарини тадқиқ этиш ва муаммоларни тўғри ҳал қилиш талаблари тобора ортиб бормоқда.

Юртимизда шаҳарсозликнинг самарали йўналишларини аниқлаш ва ривожлантириш борасида кенг қамровли тадбирлар амалга оширилиб бормоқда. Шунинг учун, бугунги кунда замонавий шаҳарсозликни худудий ривожлантириш вазифасига қараб, худудлаштириш, режавий тузилма, мұхандислик-транспорт инфраструктураси, табиий бойликлардан унумли фойдаланиш ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш, шаҳарларда саноат зоналарини ривожлантириш, лойиҳалаш, ривожланган мамлакатлар тажрибаларини ўрганиш ҳамда муаммоларни ҳал этиш эҳтиёжлари ортиб бормоқда. Шу сабабдан ишлаб чиқариш фаолияти асосида саноат зоналарини моделлаштириш бугунги кунда долзарб муаммолардан бири хисобланади.

Шаҳар аҳоли пунктларининг ишлаб чиқариш худудлари саноат корхона-ларини умумий ишлаб чиқариш инфратузилмаси ва ёрдамчи ишлаб чиқариш-лар асосида бирлаштирадиган ишлаб чиқариш зоналари кўринишида шакл-лантириш лозим.

Ишлаб чиқариш зоналари ишлаб чиқариш технологик, транспорт, сани-тария-гигиеник ва функционал талабларга мувофиқ ҳолда шакллантирилиши зарур. Шунингдек, саноат зоналарининг режалаштирилиши ва қурилиши лойиҳалари ва схемаларида тегишли ишлаб

2023: International Conference on Multidimensional Research and Innovative Technological Analyses (SPAIN)

<https://www.conferenceseries.info/index.php/ICMRITA>

чиқариш соҳаларининг истиқболли ривожланиши бўйича прогнозларни ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш керак.

Ишлаб чиқариш қурилиши функционал зоналари, муҳандислик ва транс-порт инфратузилмалари таркибига қуидагиларни киритиш мумкин:

коммунал зоналар - коммунал ва омборхона объектлари, уй-жой-коммунал хўжалиги объектлари, транспорт объектлари, улгуржи савдо объектлари жойлашган зоналар;

саноат зоналари - атроф-муҳитга таъсир меъёрлари ҳар хил бўлган ишлаб чиқариш объектлари, шунингдек темир йўлнинг кириш йўллари жойлашган ва одатда, эни 50 метрдан катта бўлган санитария-ҳимоя зоналари ташкил этилишини талаб қиласиган зоналар; ишлаб чиқаришнинг бошқа турларига оид, муҳандислик ва транспорт инфра-тузилмалари (илмий-ишлаб чиқариш зоналари, технопарклар).

Саноатни режалаштириш ва ривожлантиришда, ҳудудда ҳар бир иктисо-дий шаҳар ва туманни юқори даражага кўтариш ва ривожлантиришнинг зарурий вазифасидир. Маълумки, ишлаб чиқарувчи кучлар ва унинг энг муҳим элементи бўлган саноатни жойлаштиришнинг асосий қонуниятлари ишлаб чиқариш усули билан белгиланади. Шу сабабли ҳозирги бозор муносабатларини шакллантиришда, унинг барча тармоқларини жойлаштиришда иктиносидий ислоҳотни давлат амалга оширишко да бу унинг таркибий қисми ҳисобланади ҳамда уни амалга ошириш миллий иктиносидётимизнинг ҳозирги ҳолати ва стратегик вазифалари билан белгиланади.

Ишлаб чиқариш жараёнига узлуксиз эришиш, тежамкор ижтимоий меҳнат унумдорлиги ўсиши ҳамда аҳолининг моддий ва маданий фаравонлиги кўтарилиши саноат ишлаб чиқаришини жойлаштиришнинг иктиносидий-ижтимоий самарадорлиги мезонидир. Ишлаб чиқаришини жойлаштиришнинг фундаментал тамойиллари мавжуд бўлиб, улар ишлаб чиқариш кучларини, хусусан, саноатни мамлакат бўйича оқилона жойлаштириш, иктиносидий сиёsatни амалга оширишда илмий асос бўлиб хизмат қиласиги киради:

- саноат ишлаб чиқаришини авваламбор ҳомашё, ёқилғи-энергетика манба-ларига яқин ва ниҳоят, саноат маҳсулотларини истеъмолчи ҳудудуларга тобо-ра яқинроқ жойлаштириш;
- иктиносидий ҳудудлар ўртасида меҳнатни оқилона тақсимлаш ва иктиносидий ҳудудлар хўжалигининг мажмуали ривожланишини таъминлаш;
- ҳар қайси вилоят ва туманнинг иктиносидий ривожланиш даражасини бараварлаштиришга интилиш;
- саноат тармоқларини жойлаштиришда республиканинг мудофаа стратегиясига асосланиш;
- мамлакатлараро иктиносидий алоқаларда ўзаро тенг манфаатли муносабат-ларни ўрнатиш, халкаро меҳнат тақсимоти негизида самарадор-ликка эришиш, жаҳон хўжалишга интеграциялашувни жадаллаштириш;
- саноат корхоналарини жойлаштиришда ҳудуднинг экологик вазиятини ҳисобга олиш, атроф - муҳитга чиқиндилар чиқаришнинг меъёрий нормала-рига асосланиш ва ҳоказо.

Умуман олганда, саноат ишлаб чиқаришини ҳомашё манбаига ва истеъмолчи ҳудудларга яқин жойлаштириш саноатни оқилона жойлаштиришнинг энг муҳим тамойилларидан бири ҳисобланади. Саноатнинг ҳомашё базасига яқин бўлиши қайта ишлашнинг барча тадрижий босқичларида ушбу ресурсларни қайта ишлашдан тортиб, ярим фабрикатдан тайёр маҳсулот

2023: International Conference on Multidimensional Research and Innovative Technological Analyses (SPAIN)

<https://www.conferenceseries.info/index.php/ICMRITA>

олишга қадар, меҳнатнинг энг кам сарфлаш имкониятини назарда тутади. Масалан, электроэнергетика кўпинча сув ёки ёқилғи базасида ривожланади, тўқимачилик саноати хомашё манбаига яқинлаштирилади, озиқ-овкат саноати эса кўпроқ истеъмолчи ҳудудларда жойлаштирилади. Саноатни хомашё ва ёқилғи-энергетика манбаига яқинлаштириш ҳудудларда мавжуд ресурсларни қайта ишлаш соҳасига жалб этиш, корхоналарнинг окилона ўлчамини белгилаш имкони-ятини беради. Хомашё, ёқилғи ва тайёр маҳсулотни узоқ масофага ташишни камайтиради ва шу асосда ижтимоий меҳнатни анчагина тежашга олиб келади.

Адабиётлар

1. Ортиқов А., “Саноат иқтисодёти”. Дарслик, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти Тошкент 2009 й.
2. Исамухамдова Д.У., Мирзаев М.К. «Замонавий шаҳарсозлик назарияси». Ўкув кулланма, Тошкент, 2015 й.
3. Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари (ШНҚ 2.07.01-03)